

**Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва  
спорт университети ректорининг  
МУРОЖААТИ**

*Хурматли профессор-ўқитувчи ва азиз талабалар!*

Шиддат билан ривожланиб бораётган бир даврда, жамият фаровонлиги ва тараққиётига тўсиқ бўлаётган иллатларнинг бугунги кундаги энг хавфлиси коррупциядир. Лекин жамият ривожига тўсқинлик қилувчи бу иллатнинг юртимиз келажаги билан бевосита боғлиқ бўлган таълим соҳасида мавжудлиги йўл қўйиб бўлмайдиган салбий ҳолатдир.

Мамлакатимизда кейинги йилларда олий таълим соҳасида хизмат қилаётган ходимларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилиб, уларнинг жамиятимиздаги ижтимоий мавқеи янада мустаҳкамланмоқда. Сўнгги йилларда соҳа ходимларини ижтимоий таъминотини яхшилаш учун бир қатор ишлар амалга оширилаётганлиги, хусусан профессор-ўқитувчилар имтиёзли кредитлар асосида уй-жой, транспорт воситалари билан таъминлангани, ойлик иш ҳақига устамалар жорий этилганини ислохотларнинг мантиқий давоми эканлигини қайд этиш жоиз.

Мамлакатимиз раҳбари томонидан “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонун, “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармон ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш Агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорининг қабул қилинганлиги бу иллатга қарши курашиш қанчалик муҳимлиги ва бу бўйича амалга оширилаётган ишлардан дарак бермоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда жуда кўплаб ўзгаришлар, янгиланишлар амалга оширилаётгани, олий таълим тизимида олиб борилаётган ислохотлар натижасида соҳада фаолият юритиш том маънода фахрли касбга айлангани, бу ғамхўрлик ва имкониятларга жавобан аввало, профессор-ўқитувчилар касбий бурчларини виждонан бажаришга масъулдир.

Коррупцияга қарши курашиш, бугунги кунда жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси масъул бўлиши унга қарши курашда барчамиз бир ёқадан бош чиқармоғимиз лозим. Президентимиз таъбирлари билан айтганда, “Коррупцияга қарши курашишда аҳолининг барча қатламлари, энг яхши мутахассислар жалб қилинмас экан, жамиятимизнинг барча аъзолари, таъбир жоиз бўлса, “**ҳалоллик вакцинаси**” билан эмланмас экан, ўз олдимизга қўйган юксак марраларга эриша олмаймиз”.

Яна шуни ҳам таъкидлаш жоизки, ёшларнинг олий таълим билан илк учрашувлари албатта, қабул жараёнлари, кириш имтиҳонларида бўлади. Бу жараённинг аҳамиятли жиҳатларидан яна бири, унда ёшларнинг нафақат таълим тизими, балки бутун жамият ҳақидаги фикри шаклланади, десак муболаға бўлмайди. Сир эмаски, маълум бир даврда кириш имтиҳонлари коррупция ва адолатсизлик ҳолатлари энг кўп учрайдиган жараёнлардан бири сифатида қайд этиларди. Шунинг учун ҳам олий таълим тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар айна шу тизимда шаффофликни таъминлашдан бошланди.

Ҳозирги кунда кўпчилик учун ҳаяжонли онлар – олий таълим муассасаларига қабул жараёнлари бўлиб ўтмоқда. Қабул жараёнлари ҳамда кириш имтиҳонларининг шаффоф ва адолатли тарзда ташкил этиш олий таълим соҳасида фаолият кўрсатаётган ходимлар зиммасига улкан масъулият юклайди. Шу боис, барчамиз огоҳ бўлмоғимиз, нафақат ўзимиз, балки атрофимиздагиларнинг ҳам бу жараёнларда қинғир йўллардан фойдаланмаслиги учун курашмоғимиз зарур.

Университетимизда ҳам янги ўқув йили учун қабул жараёнлари тўлиқ видеокузатув камералари ёрдамида онлайн трансляция қилинди ва университет расмий веб-сайтида онлайн тарзда намоёиш этилди. Энг асосийси, қабул жараёнларида коррупция, таниш-билишчилик каби жирканч ҳолатлар кузатилмаслиги учун университет томонидан тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда барча зарурий чоралар кўрилди. Бугун талабалikka тавсия этиладиган ёшлар соҳанинг эртасини белгилаб беришини англаган ҳолда, бу жараёнга университетнинг барча ходимлари жиддий эътибор билан ёндашмоқда.

Бугунги кунда университетимизда коррупцияга қарши курашишни назорат қилиш тизимини амалга ошириш учун ҳар бир профессор-ўқитувчи ва талаба ўзининг бор кучини сафарбар қилишимиз лозим. Бу барчамизнинг ватан ва халқ олдидаги бурчимиздир. Шундагина ҳамжиҳатликда коррупциянинг илдизини йўқотишга эришамиз. Олий таълим тизимида кейинги йилларда бошлаб юборилган коррупциянинг олдини олиш ва унинг ҳар қандай кўринишларига қарши муросасиз курашиш ишлари қисқа фурсатда ўз самарасини бера бошлади. Бу борада ОТМ профессор-ўқитувчиларига кўрсатилган ғамхўрлик, яъни иш ҳақининг сезиларли оширилганлиги ҳам ўз таъсирини ўтказди.

Хусусан, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетиде ҳам коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, коррупциоген ҳолатларни барвақт аниқлаш ва бартараф этиш мақсадида талабаларнинг мурожаатларини электрон қабул қилиш учун Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг [@anticoredu](https://t.me/anticoredu) расмий телеграм боти, университетнинг

[@rektorga\\_takliflar\\_bot](#), [@REKTORGA\\_SAVOLIM\\_BORbot](#) телеграм ботлари орқали, [“Korrupsiyanazorat” telegrami](#), [@anti\\_corruption\\_jtsu\\_telegram\\_boti](#) боти ишга туширилди.

Талаба-ёшларимизни илм олиш ва ҳалоллик билан ўз келажагини қуришга ўргатишимиз, шу билан бирга уларда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабат ва ижтимоий-психологик иммунитетни шакллантиришимиз пировард вазифамиздир. Бунинг учун эса, коррупцияга қарши курашни бир дақиқа бўлсин тўхтамаслиги керак, деб ҳисоблайман.

Фурсатдан фойдаланиб, барча профессор-ўқитувчи, ходим ва талабалар коррупцияга қарши курашиш тамойилларга оғишмай риоя қилишга, ҳар қандай эҳтимолий қонунбузарликлар ҳақида хабар бериш ва шубҳа туғдирувчи ҳолатлар юз берганида масъулларга мурожаат қилишга чақириб қоламан.